

Ахборот ва мураббийлик соати: тажриба ва таҳлил ахборот ва мураббийлик соати

Жорий йилнинг 24 феврал куни “АХБОРОТ ВА МУРАББИЙЛИК СОАТИ: ТАЖРИБА ВА ТАҲЛИЛ” мавзусида институт мураббийлар Кенгаши раиси З.Исмаилова, маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи З.Ҳайдаров, Гидромелиорация факультетининг бош мураббийси Д.Назаралиев ва Гидромелиорация факультетининг барча гуруҳ мураббийлари иштирокида “УЧРАШУВ” ўтказилди. Тадбирда барча факультет мураббийларининг иш жараёнидаги муаммолари, тажрибалари, олиб борилаётган иш услублари ва натижалари мураббийлик ишларини такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклифлар бўйича суҳбат ўтказилди.

Суҳбат жараёнида мураббийлар томонидан саволлар, фикрлар, таклифлар билдирилди. Уларга ёшлар билан ишлаш, маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи З.Ҳайдаров, институт бош мураббийси З.Исмаиловалар етарлича жавоб бердилар. Учрашув натижасида гуруҳ мураббийлари билан бир қанча масалалар юзасидан таклифлар тушди. Улар:

- Мураббийлик фаолиятини баҳолаш мезонларини қайтадан кўриб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва факультет бош мураббийси томонидан уларга етказиш; - Мураббийларнинг барча ҳужжатлари ва олиб бораётган ишлари натижалари кварталда ҳисобга олган ҳолда рағбатлантирилиб турилиши;

- Ахборот соатларини иложи бўлса бошқача ном билан юритилиши, чунки барча соҳаларда таълим-тарбия жараёнига тўхталиш, талабалар билан бевосита шу соҳада иш олиб борилаётган жараён бўлганлиги муносабати билан “Тарбиявий соат”еки “Одоб-ахлоқ дарслари” деб номланиши;

- Олиб борилаётган ишларимизни электрон ҳужжатга ўтишимизни эътиборган олган ҳолда институт расмий веб сайтыга қўйилса ва керак вақтида шу сайтдан маълумотлар базасини ҳар бир жойдан назоратга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

- 4-босқич талабалари учун мутахассисликка хос мавзуларда “Ахборот соатлари”ташқил этиш тўғрисидаги таклифлар билдирилди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати